

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни тезкорлик билан тузиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усуллари қўллаш юзасидан амалий кўникмаларни ўргатиш;

коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланиш бўйича Махсус комиссиясига тақлиф киритиш;

беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига жойлаштириш ва даволаш натижаларининг қатъий ҳисобини юритиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатиш ходимларини шахсий гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш;

дезинфекция тадбирларини тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

УЙДА ҚОЛИНГ, ЯҚИНЛАРИНГИЗНИ АСРАНГ!

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

КАРАНТИН КУНЛАРИДА ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ТЎЛИҚ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Бу жараён иқтисодий тармоқлари ва соҳаларнинг узлуksиз ишлаши, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда юртимиз аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирларни қамраб олади.

Ушбу талаблар Энергетика вазирлигига қарашли "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг узлуksиз фаолият кўрсатишига муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур жамият ва унга қарашли корхоналар "COVID-19" инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, электр энергияси ишлаб чиқаришни белгиланган қувватларда амалга ошириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Акциядорлик жамияти томонидан мазкур фармон ижросини тўлиқ бажариш, карантин кунларида аҳолининг сифатли электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини узлуksиз электр энергияси билан таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мақсадимиз шундай синовили кунларда халқимизнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш ва

узинг узлуksизлигини таъминлашдир, - деди "Иссиқлик электр станциялари" АЖ бошқаруви раиси Руслан Мубаракшин. - Жамиятимиз ўз тизимидаги корхона ва ташкилотларда зарурий чора-тадбирларни олиб бормоқда. Тезкорлик билан ишларни мувофиқлаштириш бўйича штаб ташкил этилди. Хозирги вақтда бир суткада ўртача ҳисобда тизим корхоналари томонидан 170 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқилимоқда. Режага асосан карантин кунларида ҳам ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ амалга оширилади. Шу билан биргаликда, тизимдаги ишчи-ходимларнинг саломатлигини асраш, уларга мақбул шароитлар яратишга катта аҳамият қаратилган. Масалан, барча ташкилотларда бўлган каби акциядорлик жамияти тизими жамоасининг ишлаш тартиби қонунчиликка мос ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг айримларига меҳнат таътили берилган бўлса, бир қисми масофадан туриб ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ишининг узлуksизлигини таъминлаш мақсадида ишчи-ходимларга махсус машиналар хизмати ҳам йўлга қўйилди.

Таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги

ишларга янада жиддий эътибор қаратиш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қарорда кўрсатилган тартибга мувофиқ, корхоналарда ишчи-хизматчилар учун қўшимча шароит яратиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш бош мақсадга айланган.

Айни кунларда тизимдаги ишлаб чиқариш объектларида дезинфекция ишлари олиб борилаётган. "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ва унинг корхоналари томонидан қўшимча 20 минг дона тиббий никоб тайёрланиб, ходимларга тарқатилди. Ходимлар объектларга белгиланган тартибдаги тиббий кўриқдан сўнг киришмоқда. Корхоналар ҳудудига кириб-чиқиб пунктларда тепловизорлар билан таъминланган постлар фаолияти йўлга қўйилган. Станциялардаги тиббиёт бўлими ходимлари томонидан цех участкаларида ходимларга коронавирус тарқалишининг олдини олиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

Бу каби тадбирларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамияти жамоасининг соғлигини асрашда муҳим бўлиши баробарида карантин вақтида халқимизнинг эҳтиёжларини қондириш йўлидаги асосий талаблардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ВА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови (кейинги ўринларда - махсус тўлов) белгилансин: врач ходимларига, врач-лаборантларга - 25 миллион сўм;

ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга - 15 миллион сўм; кичик тиббиёт ходимларига - 10 миллион сўм; бошқа ходимларга - 5 миллион сўм. Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н.Арипов) бир hafta муддатда махсус тўловларни оллучи мазкур бандда назарда тутилган тадбирларга жалб қилинган бошқа ходимларнинг қўшимча рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилансин, махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 март

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ ЮҚТИРГАН ТИББИЁТ, САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ВА БОШҚА ХОДИМЛАРИНИНГ СОҒЛИГИГА ШИКАСТ ЕТКАЗИЛГАНЛИГИ ЁКИ УЛАРИНИНГ ОҒИР АҲВОЛГА ТУШИШИ ВА СОҒЛИГИ ТИКЛАНМАГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ЙЎЛА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ

Table with 2 columns: Description of infection types and 2 columns: Amount in million soums (100 million soums, 250 million soums)

Изоҳ. Ушбу тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил "26" мартдаги ПҚ-4652-сон қарорига илова

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ ЮҚТИРГАН ТИББИЁТ, САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ВА БОШҚА ХОДИМЛАРИНИНГ СОҒЛИГИГА ШИКАСТ ЕТКАЗИЛГАНЛИГИ ЁКИ УЛАРИНИНГ ОҒИР АҲВОЛГА ТУШИШИ ВА СОҒЛИГИ ТИКЛАНМАГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ЙЎЛА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ

Table with 2 columns: Description of infection types and 2 columns: Amount in million soums (100 million soums, 250 million soums)

Айни пайтда фуқароларнинг соғлиги, уларнинг мазкур инфекция билан зарарланмаслиги чораларини кўриш барча раҳбарлар олдида турган асосий масала ҳисобланади.

Шу сабабли Президентимиз топширигига мувофиқ Республика махсус комиссияси тузилган. Комиссия мазкур касалликнинг кенг тарқалиши олдини олиш чораларини кўрмоқда.

Бунинг учун Тошкент шаҳар ҳокими раҳбарлигида махсус штаб ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилади. Хавфли вирус кенг тарқаб кетмаслиги учун одамлар жанг жойларда оммавий тадбирлар чекланди. Барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди.

Тошкент шаҳрида озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслигини Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент назорат қилмоқда.

Худуддаги барча жамоат транспорти - автобус, метро ва йўналишли такси харақати вақтинчалик тўхтатилди. Жамоат транспорти ўрнига вақтинча Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология осойишталик маркази томонидан махсус дезинфекция қилинган таксилар харақатланмоқда.

Мутасаддиларга жамоат транспорти харақати вақтинчалик тўхтатилган вақтда йўналишсиз таксиларда таътил билан шуғулланувчилар томонидан йўл ҳақини суъий равишда оширилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш топширилди.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ва корона-

вирус касаллиги республика ҳудуди бўйлаб тарқалишининг олдини олиш мақсадида пойтахт ҳудудига ҳар қандай транспортда кириш ва чиқиш тўхтатилди. Пойтахтга кириш билан боғлиқ ҳолларга, шунингдек, Тошкент шаҳрида доимий яшовчи ва шу ерда ишлайдиган шахсларга тааллуқли эътибор.

Пойтахтимиздаги барча буюм, қурилиш материаллари, автомобиль сотуви, маиший-техника, иккимаши буюмлар бозорлари фаолияти вақтинча тўхтатилди. Фақатгина деҳқон бозорлари, супермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари, шифонахоналар, поликлиникалар, дорихоналар аввалги тартибда ишлашни давом эттирмоқда.

Барча чора-тадбирлар аҳолининг саломатлигини асраш учун амалга оширилмоқда. Турли чекловлардан ваҳимага тушмаслик керак. Ўзбекистон аҳолисини бу инфекциядан қутқариб қолиш халқнинг қўлида. Бунинг учун юрдошларимиз шифокорлар тавсияларига алоҳида эътибор қилиш керак.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, иқтисодий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Хабарлар

Сахийлик давом этади

Бутун дунёда коронавирусга қарши кураш авжига чикди. Унинг олдини олиш ва чорасини топиш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Миробод тумани ҳокимлиги ташаббуси билан мазкур вирус сабаб, идора ва ташкилотлар сабабли ишларни бошлаб юборишди. Жумладан, туман Ёшлар иттифоқи кенгашининг кўнгиллилари томонидан "Миробод деҳқон бозори"да "Соҳаватли эл" акцияси ташкил этилди. Унда аҳолига бепул никоблар тарқатилди.

Бу каби савобли ишлар бутун туман бўйлаб давом этмоқда.

Спорт мажмуалари ҳам дезинфекция қилинди

Миробод тумани ҳокимлиги томонидан ёш авлоднинг спорт билан шуғулланувчи масканлари ҳам алоҳида эътиборга олинган. Тумандаги спорт иншоотларида коронавирус инфекциясини кириб келиши ва унинг тарқалишини олдини олиш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида, тўлиқ дезинфекция ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, муассасалардаги ўқувчи-спортчилар, ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаккамлаш, касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, санитария-гигиена меъёрларига риоя этилишини янада кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Эслатиб ўтамиз, тумандаги мавжуд спорт мактабларида номуайян муддатга карантин эълон қилинган.

Ҳайдовчиларга қулайлик

Коронавирус "COVID-19" инфекциясини тарқалишини олдини олиш, эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича Миробод тумани ҳокимлиги томонидан ибратли ишлар амалга оширилляпти.

Жумладан аҳоли, айниқса ҳайдовчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг автоуловларини дезинфекция қилиш бўйича туман санитария ва эпидемиологик осойишталик маркази ўз идораси олдида хайрли ишларни бошлади.

Унга қўра, ҳар бир фуқаро ўз шахсий автомашинасини мазкур марказда бепул дезинфекция қилдириши мумкин. Бу ҳақида тегишли ҳужжат расмийлаштириб берилди. Марказ манзили: Миробод тумани, Сарикўли кўчаси, 76-уй (мўлжал: 175-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси ёнида).

Бундан қўланган мақсад, касалликларнинг тарқалиш кетишининг олдини олиш, санитария-гигиена меъёрларига риоя этилишини янада кучайтиришдир.

Коронавирус тарқалиши олдини олишнинг энг муҳим шarti - карантин қоидаларига қатъий ва сўзсиз риоя этишдир

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 22 март кунидан пойтахтимиздаги жамоат транспорти харақати вақтинча тўхтатилди маълум қилинди.

Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган тегишли қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Сергели туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Сергели тумани прокуратураси, Давлат санитария эпидемиология назорати, Тошкент шаҳар ИИББ йўл патруль хизмати ходимлари ҳамкорлигида Сергели блок пости орқали харақатланаётган автоуловларни дезинфекция қилиш ишлари олиб борилаётган.

Сергели туман прокуратурасининг ташаббуси билан туманининг 2-сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалардаги 20 дан ортиқ иқтисодий ҳўмога мўхтоб оилаларга тиббий никоблар, тиббий қўлқоп, антисептик ва шунга ўхшаш вирусга қарши ҳўмога воситалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари олиб борилиб уларнинг ҳўлддан хабар олинди.

Антисептик воситалардан бепул фойдаланиш ишлари амалга оширилмоқда

Антисептик воситалардан бепул фойдаланиш ишлари амалга оширилмоқда

Сергели туманидаги озиқ-овқат савдоси билан шуғулланаётган масканларда харидорларни савдо қилишлари жараёнида коронавирусдан сақланишлари учун ҳар бир харидор антисептик воситалардан фойдаланмоқда ва уларга ҳўмога қўлқоплари ҳам бепул тарқатилмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олиш бўйича жорий этилган тартиб муносабати билан Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимининг биналарида фуқаролар қабули тўхтатилди.
• Карантин шароитида уйда ёки изоляцияда бўлганларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида мамлакатда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазият барқарор ҳолатга келгунча қадавр "Индийское кино", "Дом Кино", "Disney", "Euronews" ва "Discovery channel" телеканаллари ошч режимда тарқатилди - Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги.
• Ўзбекистон коронавирусини аниқловчи 300 минута экспресс-тест сотиб олади.
• Тошкент ИИББ марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлиmlари биналарида фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг қабуллари вақтинчалик тўхтатилди. Барча мурожаатлар электрон тарзда ёки телефон орқали қабул қилинади.
• Коронавирус билан касалланганларга ҳуусий тиббиёт ташкилотлари ҳам хизмат кўрсатади.
• Ўзбекистон Иқтисодий ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилади.

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

УЙДА ҚОЛИНГ, ЯҚИНЛАРИНГИЗНИ АСРАНГ!

**ЎҚИТУВЧИЛАР ТЕЛЕГРАМ ГРУППАЛАРДА
МАШҒУЛОТ ОЛИБ БОРМОҚДА**

Бугун мактабларда дарслар тўхтатилди, анди дарслар бошлангандан кейин тўхтатилган дарслар жойидан давом эттириладими, деган савол кўпчиликни қизиқтираётгани аниқ.

Янгиликларни, берилаётган маълумотларни кузатиб бораётган. Дарслар тўхтатилган кун, яъни 16 мартдан 20 мартга қадар, ўқув йилининг 3-чорак якунига тўғри келганлиги сабабли, бу даврда ўқув дастурига асосан аскарят мавзулар такрорлаш ёки ўтилган мавзуларни мустақамлашга қаратилгани маълум қилинди. Шу боис карантин режими тугатилиб, дарслар бошлангандан кейин айнан тўхтатилган мавзудан бошлашга эҳтиёж қолмаслиги мени қувонтирди. Бундан ташқари, ҳозир интер-

нетдан деярли барча ота-она фойдаланади. Синф ўқитувчилари кунлик дарсларни ота-оналарга телеграм группалари орқали тушунтириб бора-япти. Улар карантин экан, деб шунчаки томошабин бўлиб ўтиришгани йўқ. Ўқувчилар учун тайёрланаётган телевизион дарслар орқали баъзи бўшлиқлар тўлдириб кетилиши ҳақида ҳам билдирилди. Телевизион дарслар ўқув йилининг 4-чорага режалаштирилган мавзулар асосида тайёрланаётган экан. Ўқувчилар телевизион дарслар орқали

ўзлаштира олмасачи, деган кўрқувим бор. Қизимнинг устози билан боғландим. Агар ўқувчи бу жараёнда олган билимлари қониқтирадиган даражада бўлмаса, ўқув жараёнлари бошлангач, албатта, фан ўқитувчилари кўмаклашар экан.

Аслида ўқитувчиларимизга "сабрингизга қойил, отангизга раҳмат", деб юборялман. Ўқувчи билан ишлаш анча қийин иш экан. Гарчи у ўз фарзандларим бўлса-да, ҳар бир фандан алоҳида топшириқларни бажаришини кузатиш, тушунмаган жойини тушунтириш у қадар осон эмаскан. Тўғриси, ўқитувчи касби, мен ўйлаган каби осон эмаслигини англадим.

**Дилноза Курбонова,
уй бекаси**

**ТАДБИРКОРЛАРГА ИЖАРА,
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ
МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШДА
ВАҚТИНЧАЛИК ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ**

Бу ҳақда Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси, Ахборот хизмати раҳбари Мўмин Ибодовнинг таъкидлашича, мамлакатда юзага келган эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб тадбиркорлар учун бир қатор қулайликлар яратилмоқда.

Жумладан, шу кунга қадар давлат мулки объектларидан ижара шартномаси асосида умумий овқатланиш, ўқув марказлари, жисмоний тарбия, спорт, туризм ва бошқа соҳаларда фойдаланиб келаётган, ammo карантин сабабли Республика махсус комиссияси қарорига кўра фаолияти вақтинча тўхтатилган тадбиркорлик субъектларига фойдаланмаган даври учун ҳеч қандай ижара пули ҳисобланмайди ва тўланмайди. Пандемия билан боғлиқ ҳолатда инвесторлар дуч келган ва дуч келиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан яна бири инвестиция мажбуриятларининг ўз вақтида бажара олмаслиқдир. Вазиятни юмшатиш мақсадида шу даврда инвестиция мажбуриятининг бажарилишини кечиктирилган учун пеня ҳамда жаримлар ҳисобланмайди ва мажбурият бажарилмагани учун шартномалар бекор қилинмайди. Аксинча, Инқирозга қарши кураш республика бажарилмагани учун ҳудудий штабларининг қарорларига кўра, тадбиркорлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши мuddатлари узайти-

риб берилди. Мамлакатимиздаги эпидемиологик вазият туфайли давлат активларини хусусийлаштириш бўйича амалда бўлган шартномаларга асосан харид тўловлари ўз вақтида бажарилмаса Инқирозга қарши кураш республика комиссияси ва унинг ҳудудий штабларининг қарорларига кўра, мuddат қайта кўриб чиқилади. Тадбиркорлардан яратилган бу каби қулайликлардан фойдаланиш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ҳамда ҳудудий комиссияларга мурожаат қилишлари сўралмоқда. Республика махсус комиссиясининг топшириғига кўра, юзага келган карантин ҳолатида акциядорларга ҳам қулайлик яратиш мақсадида ҳўжалик жамиятларининг кузатув кенгаши мажлислари ва акциядорларнинг умумий йиғилишларини онлайн режимда масофадан туриб, замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда овоз бериш орқали ўтказиш тизимини бир ой ичида жорий этиш юзасидан Агентлик томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Мўмин Ибодовнинг айтишича, бу бўйича алоҳида баёнот берилади. Саволлар ва қўшимча маълумотлар юзасидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг марказий аппарати ёки ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилиши мумкин.

ЎЗА

**ПОЙТАХТГА ОЛИБ КИРУВЧИ ҲАР БИР
ЙПХ МАСКАНЛАРИДА ДЕЗИНФЕКЦИЯ
ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА**

Жорий йилнинг 22 март кунидан бошлаб Тошкент шаҳрида барча жамоат транспорти ҳаракати вақтинчалик тўхтатилганлиги хабар қилинган эди.

Пойтахтимизда йўналишсиз такси ҳайдовчиларининг фаолиятини назорат қилиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ва Транспорт вазирилик Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирилик Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари биргаликда пойтахтимизнинг ҳар бир туманлари ҳудудида ва пойтахтимизга кириш чиқиш постларида, ЙПХ масканларида ҳамкорликда хизмат олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ Ахборот хизматининг хабар беришича, улар фуқа-

роларга йўловчи ташиш хизматини кўрсатаётган йўналишсиз таксилар фаолиятини назорат қилишмоқда. Хабарда қайд этилишича, пойтахтга олиб кирувчи ҳар бир ЙПХ масканларида ҳам дезинфекция ишлари амалга оширилмапти.

Ҳайдовчилар бошқарувидаги транспорт воситаларида дезинфекция ишлари амалга оширилиб, йўл кира нархлари сунъий оширилиб юборилмаслиги ҳам назоратга олинган.

ЎЗА

**КАРАНТИН ТУФАЙЛИ БОЗОРДА МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ
ОШМАЙДИ**

Аҳоли нафақат коронавирус инфекцияси, балки карантин шароитида бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги юзага келиши ёки нархи ошииб кетишидан ҳам хавотирланмоқда.

Бу хавотирлар ўринлими? Нарх-навони барқарор ушлаб туриш учун қандай чоралар кўриломоқда.
Шу каби саволларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Эркин Йўлдошев жавоб берди:

– Прокуратура органларида ташкил этилган штаблар ва ишчи гуруҳлар томонидан барча ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббий буюмлар нарх-навоси ҳамда узлуксиз етказиб берилиши кунлик мониторинг қилинмоқда. Бу тадбирларга Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва Давлат солиқ қўмитасининг 2 минг 604 нафар ходими жалб этилган.

Прокуратура органлари томонидан 215 дехқон бозори раҳбарлари, 3 мингдан ортиқ дорихона ҳамда 7 минг 554 озиқ-овқат дўканлари эгалари нархни қонуний белгилаш ва асосиз оширмаслик тўғрисида бирма-бир расман огоҳлантирилди. Бозорлар қошида 27 турдаги товарларни сотиш бўйича арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилди. Шу кунгача биригина Тошкент шаҳридаги ярмаркаларда жами 27 тонна гўшт, 31 тонна картошка, 46 тонна пийёз, 54 тонна саб-

завот, 20 тонна ҳўл мева ва 2,5 тонна гуруч маҳсулотлари сотилиши таъминланди.

Барчамиз яхши биламиз, ишлаб чиқарувчи ёки улгуржи савдода нарх сунъий оширилса, табиийки, чакана савдода ҳам нарх кўтарилади. Шу боис, музлатгичли омондороналар ва улгуржи тарқатиш базаларида товарларни қиммат нарҳда сотиш ҳолатларига йўл қўймаслик чоралари кўриломоқда.

– Нарх-навони бу тарзда ушлаб туриш тадбиркорларни қийин аҳволга солиб қўймайтими?

– Албатта, бу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинчи, тадбиркорлар муаммоларини ҳал этишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Биргина мисол, "Бананза трейд экспорт" масъулияти чекланган жамиятига четдан Ўзбекистонга картошка олиб келиш учун 1 миллион доллар кредит ажратилиши, темир йўлларда картошкани ташишда имтиёзли нарх белгиланиши ҳамда Ўсимликлар карантини давлат инспекциясидан ҳулосалар олинишига амалий ёрдам кўрсатилди. Бундай мисоллар кўп. Ўтган қисқа мuddат давомида шунга ўхшаш 1 минг 400 дан зиёд тадбиркорлик субъектига турли муаммоларни ҳал

этишда прокуратура органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, Молия вазирилик, Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда ун, ўсимлик ёғи, шакар ва қоллипи нон нархи асосиз ошишининг олдини олиш мақсадида биржа савдолари устидан алоҳида назорат ўрнатилди.

– Нарх-наво оширилгани ҳақида ҳам фикрлар айтилмоқда. Бу қанчалик асосли?

– Ҳақиқатан ҳам, афсуски, назорат тадбирларида айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотлари ва тиббий буюмлар нархи асосиз равишда оширилиб, сотиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Ҳозирги қадар ўтказилган тадбирларда 645 ҳолатда жами 1 миллиард 735 миллион сўмлик маҳсулотлар қиммат нарҳда сотилаётганлиги аниқланиб, ушбу маҳсулотларнинг арзон нарҳларда аҳолига сотилиши таъминланди. Шу билан бирга, бунга йўл қўйган 502 нафар ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Натияжада озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлиги таъминланмоқда.

Демак, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар етказилиши ва таъминланиши, қолаверса нарх-навоси қатъий назорат остида. Ортиқча хавотирга, айниқса, ортиқча озиқ-овқат жамғаришга ҳожат йўқ.
Норгул АБДУРАИМОВА

**ШАҲРИМИЗДА ЖАМОАТ
ТРАНСПОРТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Тошкент шаҳрида жамоат транспортлари қатнови тўхтатилиши муносабати билан Тошкент вилоятидан пойтахтга қатнаб ишловчи фуқароларга ҳамда улар ишлаётган корхона, ташкилот ва муассасаларга транспорт хизматини ташкил этишда "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ шартнома асосида хизмат кўрсатиши мумкинлиги ҳақида аввал ҳам хабар берилган эди.

Йўловчилар хавфсизлиги ҳамда транспорт воситасининг техник ва санитария талаблари асосида хизмат кўрсатишини билдириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорлигида махсус белги тайёрланди.

Ушбу белгида транспорт воситасининг тури ҳамда давлат белгиси кўрсатилади ва хизмат кўрсатувчи корхона мўҳри билан тасдиқланади.

Бу транспорт воситаларининг техник ва санитар ҳолати талаб даражасида

эканлигини билдиради. Азиз йўловчилар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, транспорт хизматини ташкил этишда "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ тасарруфидаги факат ана шундай белгили автобуслардан фойдаланинг.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида коронавирус тарқалишининг олдини олиш ҳамда фавулодда ҳолат юзага келган вазиятда қандай иш юритиш юзасидан ўқув машғулотли ўтказилди.

Ўқув машғулотли давоми-

да ҳокимлик биносида иш фаолиятини давом эттираётган ходимларга коронавирус юқишининг олдини олиш учун бажарилиши талаб бўлган гигиеник талаблар юзасидан қўшимча инструктор ўтказилди.

Авал хабар берилганидек, шаҳар ҳокимлигининг кўпчилик ходимлари масофавий иш усулига ўтказилган эди.

Бино тўлиқ дезинфекция қилиниб, ҳокимлик қатъий карантин иш режимига ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати

**КАРАНТИНДА ПЕНСИЯЛАР
ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ
ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?**

Ўзбекистонда коронавирусга қарши кураш чора-тадбирлар сирасида омма йиғилиши эҳтимоли юқори бўлган тадбирлар бекор қилинган. Шу туфайли, пенсия ва бошқа нафақаларни аҳолига етказиб бериш тартиби ҳам бироз ўзгарди.

Акциядорлик тижорат "Халқ банки" пенсия тўловлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Мирзааҳмад Гойибназаровнинг айтишича, жорий йил 18 мартдан бошлаб, пенсия ва бошқа нафақа пуллари банк ходимлари томонидан аҳоли яшаш манзилига етказиб берилмоқда.

– Айни пайтда пенсия ва нафақа тўловларининг 98 фоизи тўлиқ амалга оширилди. ЖСТ тавсиялардан келиб чиқиб, аҳолига нақд пул камроқ муомала қилиши тавсия этиляпти. Шу сабабли, банкимиз пенсионерларга ҳам пенсия овердрафт қулай банк карта-

ларидан фойдаланиши тавсия этади, – дея маълумот берди М.Фойибназаров.

Қайд этилишича, банк пластик карталарига нафақа ва пенсия пуллари ҳар ойнинг илк саналарида ўтказилади. Шунингдек, банк терминалларида фойдаланганда картадан нақд пул ечиб олишда ҳақ олинмайди.

Банк вакили юзага келган пандемия даврида масофадан туриб, пенсия ва нафақа пуллари карта орқали олиш, тўловларни нақдсиз бажариши тавсия этишини билдирди.



**ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ
ҲИКМАТЛАРИ**

Йиқитган – кучли, ammo йиқилгани турғизган – ундан бақувватроқдир.

Йўлда адашсанг – орқага қайтишинг мумкин, сўзда адашсанг – уни қайтара олмайсан.

Камбағал бўлсанг – тубан кетма, бой бўлсанг – ўзингдан кетма.

Камтарлик – доноликнинг зийнати.

Камчилигингни кўрсатаётган – ҳаммша ҳам душманинг, ўзингни мақтаётган – ҳаммша ҳам дўстинг эмас.

Камчиликсиз дўст қидирган ёлғиз қолади.

Катта ваъдалар ишончни камайтиради.

Кечира олмагани эсдан чиқарган маъкул.

Кечиримли бўлиш – кучлиларнинг фазилати. Ожизлар ҳеч қачон кечирмайди.

Махатма Ганди

Кирай ва чиқай десанг – дарвоза, келай ва кетай десанг – йўл йўқ.

Киришдан аввал, чиқишни ўйла.

Китобни муқовасига қараб баҳо беришмайди.

Кутаётган одамга дақиқа ҳам йилдек туюлади.

Кулаётганнинг ҳаммаси ҳам дўст, ҳақли чиққанинг ҳаммаси ҳам душман эмас.

Кучли эҳтирослар кўпинча ҳалокатли нафрат уйғотади.

Сукрот

Кўз ёши тўққунча, муштингни қис.

Кўнгилчанг бўлсанг – дўст, ҳақиқатгўй бўлсанг – душман орттирасан.

Кўп марта ваъда қилинган тешик қопга тушади.

Кўпга умид қилиб, камни қўлдан чиқарма.

Қайғуни йиртиқ кийимдек уйда қолдириш керак.

Қалам бор жойда қилчга ўрин йўқ.

Қалб азобларда тобланади.

Қалбингда ақалли битта гуллаётган шохча бўлса ҳам, унга қушлар учиб келиб қўнади.

Қальани ичидан забт этишади.

Қари от йўлдан адашмайди.

Қарилкда ёш бўлмоқчи бўлган ёшликда қари бўлиши керак.



Бугунги кунда жамият тараққиётида бир томондан, маданият моҳиятининг ўсиб бориши, иккинчи томондан, маданий жараёнларнинг коммерциялашуви, оммавий маданиятнинг кириб бориши, электрон оммавий ахборот воситаларининг таъсири ҳам кузатилмоқда. Улар эса, ўз навбатида, ёшларнинг мақсадлари, маънавий-маданий идеаллари ва қизиқишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.



ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ёшларга доир олиб борилган ҳар қандай тадқиқот "ёшлар" тушунчасининг моҳиятини очиб бериш, мазкур ижтимоий гуруҳнинг турларини аниқлаш, ёшлар яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муҳитнинг ҳолатини ҳисобга олишни талаб этади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун ёшларга ўзаро боғлиқ даражада ёндашиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: биринчидан ижтимоий феномен сифатида умуммемтодологик даражада ёндашиш; иккинчидан, махсус назарий даражада ёндашиш, яъни уларни алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ деб ҳисоблаш, ҳулки, яшаш тарзининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, бойлик мўлжалларини ўрганиш; учинчидан, эмпирик, яъни социологик тадқиқотларнинг далиллари ва кўрсаткичларига асосланган ҳолда ёндашишдир. Ёшларни мазкур ёндашувлар асосида ўрганиш, уларга маълум ёшдаги кишилар сифатида қарабгина қолмай, балки ўзига хос ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида қараб ҳам имкон беради. Мазкур гуруҳ бир томондан, ўзига хос психологик жисмоний хусусиятлари, ижтимоий механизм, ҳаётга кириб бориши билан боғлиқ алоҳида фаолиятни олиб борса, иккинчи томондан субмаданий, жамият ижтимоий табақаланишига боғлиқ ички дифференциялаш жараёнлари билан тавсифланади. Демак, ёшларга илмий ёндашиш, уларга жамиятнинг ўзига хос гуруҳи сифатида қарашни, ҳаётнинг турли жиҳатлари ва хусусиятларини комплекс ўрганишни талаб этади. Ёшларга оид масалалар таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муносабатлар, сиёсат, ҳуқуқ, дин, бўш вақтни ташкил қилиш, оила, меҳнат, спорт билан қамбарчас боғлиқдир.

Ёшларнинг мустақил меҳнат қилишлари, балки таълим олишларини тугатиш, касбга эга бўлиш, катталардан моддий жиҳатдан бутунлай мустақил бўлиш қабили билан тавсифланади. Ижтимоий гуруҳлар доирасида мазкур омиллар бир хил намоён бўлмайди, шунинг учун ҳам ёшлар уларга турлича амал қиладилар, яъни бирон-бир масалага ёшлар ўта жиддий ёндашишлари мумкин бўлса-да, бошқа бир масалани ҳал қилишда ёш бола-

ларга ўхшаб фикрлайдилар. Иккинчидан, ёшларнинг ижтимоий балоғатга етишуви бир қатор мустақил омиллар таъсири остида амалга ошади. Мазкур ижтимоий механизмларнинг ҳар бири ёшлар тарбиясида турли хил вазифаларни бажаради ва ўзгача таъсир этади. Ҳозирги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шубҳасиз, маълум вақт ўтиб, албатта инсоннинг муайян даражадаги интеллектуал салоҳиятининг тўлиқ юзага чиқиши, ҳаётимизда ижтимоий оқибатларга олиб келади. Ўзбек халқи қадимдан соғлом фарзанд тарбияси масаласига жиддий эътибор билан ёндашган. Масалан, бола тарбияси билан асосан диний-ўрғатувчи илм соҳасида оқил аналлар ёки илм-маърифатда катта обрў-эътиборга эга устоз-мураббийлар шуғулланган. Бу ҳақда "Кобусномада": "Фарзандинга ҳунар ва фазл ўргатмакда тақсир қилмағил ва ҳар илмни ўргатувчи муаллимлар таълим учун урсалар, сен шавқат кўргузғил, неданким ёш ўғлон илм ва адабни таъб била ўрганур ва ўз иктиври билан ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг

парваришни амалга оширишга, боланинг тевағарида у ёқтирмайдиган бирорта нарса ёки ҳодисанинг бўлмаслигини таъминлашга қаратилиши даркор", деб таъкидлаган. Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида турган яна бир муҳим масала, ёш кадрларни тарбиялаш сиёсати ҳисобланади. Бу сиёсатнинг аҳамиятга молик жиҳати, ёш кадрларга бошқарув соҳаларида ҳам фаолликларини тўла намоён қилиш имкониятини беради. Аммо, ушбу сиёсат давлатнинг монополияси бўлиши мумкин эмас, фақат унинг қонуний-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий кафолати бўлиши керак. Бунга кадрларни танлаш ва жойлаштириш тизимининг қонуний-ҳуқуқий асосини яратиш, амалга ошириш механизмларини, усуллари ва воситаларини тақомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Яъни, ҳар қандай давлатнинг кадрлар сиёсати барча бошқарув соҳаларини ҳуқуқий ва ахлоқий мезонларини, сиёсий устурма элементларни тизим орқали, умумий тартибга солишдан иборат. Шунинг учун бошқарувга сайланадиган ва тайинланадиган кадрлар сифати"га муайян маъ-

Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келган ва халқимизга хос эзгу фазилатлардан бири кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдир. "Қариси бор ўзининг париси бор" деган ибора ҳар бир ўзбек хонадонини нуронийсининг ўрни қанчалик беқийёс эканлигини билдиради. Бирон бир юмуш юзасидан остона ҳатлаб чиқиш олдидан кексаларимиз маслаҳати ва дуоларига таяниш ўзбек халқининг бебаҳо бойлигидир.

МЕҲР-МУРУВВАТ КҮНГИЛГА ПАЙВАНД

Ватан олдидаги бурчини адо этиш, юртимиз озодлиги, халқимизнинг бугунги тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида кўплаб жасоратлар кўрсатган ва ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган нуронийлар хонадонига ташриф буюриш ва уларнинг ҳолидан хабар олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимида ҳам худудларда истикомат қилиб келаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинмоқда.

Хусусан, Миллий гвардиянинг Тошкент шаҳрида жойлашган бўлинимасининг ташаббуси билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Ҳарбий-техник институтининг курсантлари ҳамда "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари - Ирина Савинова, Мария Зайцева, Исонали Муйдинов, Владимир Дорошенко ва С.Худойбердиевларнинг хонадонларида бўлиб, улар билан дилдан суҳбат қурдилар. Фахрий отахонлар учрашув чоғида жуда кўп халқлар бошига мусибат солган қонли уруш тафсилотлари ва фронт орти машаққатларини бошларидан кечирган ўша оғир кунларни матонат билан енгиб ўтган ота-болаларимизнинг жасоратлари ҳақида сўзлаб беришди. Суҳбатлар давомида бугунги куннинг қадрига етиш, имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан фикр ва мулоҳазалар юритилди.

Ташрифлар якунида ўқувчи ёшлар ўзларида биром таассуротлар билан ортларига қайтар эканлар, уларнинг кўзларида жасоратга бўлган иштиёқ, билним олишга бўлган интилиш, она Ватан тупроғини муқаддас библи, ҳар бир қарин ерини асраб-авайлашга бўлган муҳаббат сезилиб турарди.

Нафосат ЗАФАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Матбуот хизмати етакчи
мутахассиси

Божхона хабарлари

ҚУТИЛАРДАГИ БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР ФОШ БЎЛДИ

Сифати кафолатланмаган маҳсулотларнинг яширин айланмасига қарши божхона органлари томонидан тизимли равишда кураш олиб борилаётган. Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими хо-

димлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идора вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги биологик фаол қўшимчаларнинг ноқонуний айланмасини фош қилишди. Жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро А.К. ёни-

САЛКАМ 148 ТОННА ОЛМАЛАРИНГ НОҚОНУНИЙ ИМПОРТИ ФОШ ҚИЛИНДИ

Одатда хориждан келтирилган меваларнинг божхона расмийлаштиришдан ўтказилганлигига кўп ҳам қизиқармаймиш. Аслида эса бу жуда ҳам муҳим. Чунки, республикамизга хориждан келтирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини божхонада расмийлаштириш учун санитария-эпидемиологик ҳулоса, карантин рўхсатномаси талаб этилади ва карантин кўригидан ўтказилади. Акс ҳолда четдан келтирилган ва тегишли кўридан ўтказилмаган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нафақат республикамизнинг ўсимликлар оламига, балки юртоқларимиз саломатлигига ҳам зийн етказиши мумкин. Яқинда республикамизга кўшни давлатдан импорт қилинган салкам 148 тонна олмаларни "Тошкент-товар" ташиқ иқтисодий фаолият божхона постида божхона кўригидан ўтказиш давомида навабдаги божхона қонунчилиги бузилиши ҳолати фош қилинди. Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузили-

даги иккита қўти ўрнатилган тартибда текширилганида, қўтиларда умумий қиймати салкам 124 миллион сўмлик 16 520 дона биологик фаол қўшимчалар борлиги аниқланди. Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

"101"

ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНМАСА ЁНГИН СОДИР БЎЛАДИ

Пойтахтимиз ҳудудида фақуллода вазиятлар ва ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилаётган бўлсада, ҳамюртларимиздан "101" диспетчерлик хизматига содир бўлаётган ёнгинлар ҳақида хабарлар келиб тушмоқда.

Жорий йилнинг 14 март куни соат 10:41да Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, "Аксава" МЧЖга қарашли автосервисда содир бўлган чакнаш инсонлар ҳаётига зомин бўлди. 2 нафар фуқаро воқеа жойида вафот этган, 5 нафари эса турли тан жароҳати билан шифохонага олиб борилган. Афсуски шифохонада яна бир нафар инсон ўзига келмасдан вафот этган. Ҳозирда мазкур воқеа юзасидан суриштирув олди ишлари олиб борилаётган.

Эрмахан СУЛЕЙМЕНОВ,
УЭР ПА "Архив" ва "Халқ қабулхонаси"
биноларида ЁХТТЭБ мутахассиси, катта сержант

Табиий офат деганда кўз олдимизга сув тошқини, zilzila каби ноҳус, даҳшатли оқибатларга олиб келадиган ҳодисалар келади. Айниқса, сел дея аталмиш табиий офат йирик ҳудудларни ваيران этиб, ҳам мамлакат иқтисодиётига, ҳам халқ ҳўжалигига катта миқдорда зарар етказиши мумкин. Юқоридаги каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг шу кунига қадар Сергели тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи сув оқимлари бўйлаб тошқин сувларини барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш ҳамда каналлар, коллекторлар ва ариқларни тозалаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш, қайнама (докерлар) кўприқлар тури ва ўзанларини маиший чиқиндилардан тозалаш бўйича бир қанча ишлари амалга оширилди. Жумладан, Жун каналлида 8050 м, Салар каналлида 2935 м, Катта Толариқ каналлида 60 м, Найман каналлида 940 м, Чимариқ каналлида 280 м, Чимариқ-1 каналлида 480 м, Чимариқ-2 каналлида 310 м ва бошқа каналларнинг тури ва ўзанларини тозалаш ишлари амалга оширилди. Хурматли ҳамшаҳарлар Сергели тумани Фақуллода вазиятлар бўлими Сиздан шахримиздаги каналлар ва сув оқваларига ҳар хил турдаги маиший чиқиндилар ташламаслигини сураб қолади.

Азизжон МИРЗААХМЕДОВ,
Фақуллода вазиятлар бошқармаси
Сергели тумани ФВБ
ФВДТ ва ФМ ФТ, ХТ бўлими бошлиғи, майор

Ёнгин содир бўлганда инсонлар ваҳима ва саросимага тушиб қолади. Айниқса, назоратсиз қолган болалар гуғурт билан ўйнаб, ёнгин ҳосил бўлганда берканиб олишда ва олов исканжасида қолишда. Ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш турли оқибатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Ҳа, "тилсиз ёш" бўлиши олов фашл, вақт, жой танламайди. Қўтилмаганда озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида руй беради.

Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнинг, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Бобомурод САБИРОВ,
УЭР ПА "Архив" ва "Халқ қабулхонаси"
биноларида ЁХТТЭБ мутахассиси, катта сержант

Ёнгиннинг олдини олиш, қўтилмаган, аянчи ҳолатларига йўл қўймаслик учун ҳар биримиз фаол кураш олиб боришимиз даркор.

Ёнгинларнинг асарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, газ ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, умуман ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учраб туради. Оқибатда эса ўт балосининг тизгиндан чиқишига йўл қўйилиб катта зарар етказилиши мумкин. Шундай экан ёнгинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган афалигини унутманг.

Достон МАҲКАМБОЕВ,
Яккасарой тумани ФВБ норматив-техника
бўлими бошлиғи, катта лейтенант

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан қўзғалган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни кучайтиришдан иборатдир. Шундай экан, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

Абдулла НАБИЕВ,
Яккасарой тумани ФВБ ЁН ва ПБ бошлиғи
ўринбосари

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнгин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўздан муҳдиш из қолдириши барчага маълум. Айни шу "тилсиз ёш" ҳўжуми сабабли йилга қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, кўнчилиқ эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади. Ёнгинга сабаб бўлувчи ҳолатларда барча ҳамшаҳарларимизни эҳтиёткорликка қақуриб қоламиз.

Ағзам ХУСАНОВ,
Миробод тумани ФВБ П ва НБ инспектори,
катта сержант

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛГАДИ
Тошкент шаҳрида 28 март кунини ҳўжуми турари, ёлнгарчиқ бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 7-9, кундузи 18-20 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мошторинг хизмати маълумотиға кўра, 28 мартда Тошкент шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.